

Oriental Journal of Education



THE IMPORTANCE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE STATE EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN

Shuhrat Zaynievich Shukurov

Candidate of Technical Sciences (PhD)

Acting Associate Professor of the Department of Social and Humanitarian Sciences

Uzbekistan State University of Physical Education and Sports

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: public education system, education sector, digital space, artificial intelligence, education system transformation, education strategy, administration, management, educational and scientific data.

Received: 17.01.26

Accepted: 18.01.26

Published: 19.01.26

Abstract: This article presents analytical materials on the widespread implementation of artificial intelligence technologies in the public education system of Uzbekistan.

The article also contains information on the implementation of AI-based admissions to higher education institutions, the development of strategies for attracting students to science, the rational allocation of resources, the optimization of university administrative activities, and high-quality education.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ АҲАМИЯТИ

Шухрат Зайниевич Шукуров

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти в.б.

т.ф.н., Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат таълим тизими, таълим соҳаси, рақамли макон, сунъий интеллект, таълим соҳаси трансформацияси, таълим стратегияси, маъмурият, бошқарув, ўқув ва илмий маълумотлар.

Аннотация: Тайёрланган мақолада Ўзбекистон давлат таълим тизимида сунъий интеллект технологияларини кенг тадбиқ этиш бўйича таҳлилий материаллар ўз аксини топган. Шунингдек, мақолада сунъий интеллектга асосланган ҳолда Олий таълим муассасаларига қабулни амалга ошириш, талабаларни илмга жалб этиш стратегияларини ишлаб чиқиш, ресурсларни рационал тақсимлаш, университетларнинг маъмурий фаолиятини оптималлаштириш ҳамда сифатли таъминот билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган.

ЗНАЧЕНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Шухрат Зайниевич Шукуров

кандидат технических наук

исполняющий обязанности доцента кафедры социально-гуманитарных наук

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: система государственного образования, сфера образования, цифровое пространство, искусственный интеллект, трансформация системы образования, стратегия образования, администрация, управление, учебные и научные данные.</p>	<p>Аннотация: В данной статье представлены аналитические материалы по широкому внедрению технологий искусственного интеллекта в систему государственного образования Узбекистана. Статья также содержит информацию о реализации приема в высшие учебные заведения на основе искусственного интеллекта, разработке стратегий привлечения студентов к науке, рациональном распределении ресурсов, оптимизации административной деятельности университетов и качественной обеспечении.</p>
---	--

Ўзбекистон Республикасини сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш, шунигиндек, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли қарори қабул қилинди.

Бугун инсоният янги цивилизация босқичига – сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади”, – деб таъкидлайди давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев. [1].

Бугунги замонавий дунё жамияти ҳам – рақамли маконда ўзаро боғлиқ, интерфаол ва вужудга келадиган муаммоларга реал вақт режимида жавоб бера оладиган ақлли, мослашувчан, шунигиндек энергия тежайдиган мураккаб тизимларни яратишга интилоқда.

Маълумки, дунёда технологиянинг эволюцион ривожланиши охир оқибат тўртинчи sanoat инқилобига олиб келди, бу инқилоб доирасида эса сунъий интеллект асосий роллардан бирини ўйнай бошлади.

“Сунъий интеллект” назарий жиҳатдан илк бор атама сифатида тахминан 70 йил олдин, аниқроғи 1956 йилда америкалик олим Жон Маккарти томонидан муомалага киритилган эди.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект анъанавий равишда одамлар томонидан бажарилган операцияларни бажаришга қодир бўлган ақлли тизимлар ва алгоритмларга асосланган ахборот технологияларини англатади. Сунъий интеллектнинг асосий мақсади мураккаб лекин эришиш мумкин бўлган ақлий операцияларни рақамли моделлаштириш ҳисобланади. [2].

Шунингдек, сунъий интеллект бугунги кунда соғлиқни сақлаш, молия, чакана савдо, ишлаб чиқариш ва транспорт каби турли соҳаларда кенг қўлланилади. Жамиятнинг яъна бир муҳим соҳаси бўлмиш таълим, айниқса Олий таълим ҳам бундан мустасно бўлмади. Сунъий интеллект таълимнинг барча даражаларида ва олий таълим муассасаларида таълим дастурларини амалга оширишда чуқур қўлланиб келинмоқда.

Сунъий интеллект олий таълимни янги босқичга олиб чиқиш воситасига айланди, ўқитиш, ўрганиш ва маъмурий жараёнларнинг анъанавий парадигмаларини бузди десак ҳам янглишмаймиз. Ҳозирги кунда Ўзбекистон университетлари талабаларини тайёрлашда сунъий интеллектга асосланган ахборот технологияларини кенг ва фаол жорий этиш йўлга қўйилган [3].

Ўзбекистон давлат таълими соҳасида сунъий интеллект асосида ишлайдиган платформалар эса таълим жараёнини ривожлантиришда ҳамда зарур илғор алгоритмлар ва дастурлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Смарт (ақлли) тизимлар ҳар бир талабани индивидуал сифатларини ўрганиш ҳамда тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишни таъминламоқда, ундан ташқари тизимни ҳам талабаларнинг турли қобилиятлари ва эҳтиёжларига мослаштириш имконини бермоқда.

Сунъий интеллект асосида барпо этилаётган виртуал синфлар реал вақт режимида интерактивликни осонлаштирмоқда, юқори динамикада, қизиқарли ва мазмунли билим олиш муҳитини яратмоқда. Бундан ташқари, сунъий интеллект асосида ишлайдиган баҳолаш тизимлари ўз вақтида фикр-мулоҳазаларни тақдим этмоқда, бу педагогларга соҳани такомиллаштириш аспектларини аниқлашга ва талабаларни ўрганиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда [4].

Таълим олиш жараёнидаги ушбу технологик ўзгаришлар ўқув дастурлари ва умуман таълим бериш стандартлари сифатларини ўзгаришига бевосита таъсир қилади ва керак бўлса уни рағбатлантиради.

Аниқроқ қилиб айтганда бу шуни англатадики, сунъий интеллектни таълим тизимига кенг интеграцияси ақлли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ақлли (смарт) таълим тизимларининг янада ривожланишига, мукамаллашига олиб келади.

Шунингдек, сунъий интеллект таълимнинг ақлий воситаси сифатида талабалар учун янада кенг кўламли билим олиш имкониятларини яратиши, уларнинг хатоларини ёки эътибор қаратишлари керак бўлган соҳаларни аниқлаши, билимга доир бўшлиқларни, диққатни жамлашлари керак бўлган йўналишларни ҳамда ўз соҳаси доирасидаги муҳим билимларни эгаллашларини кўрсатиб бериши мумкин.

Сунъий интеллект асосида ишлайдиган таълим тизимида талабаларнинг университет дастурларини ўзлаштириши умуман олганда ҳақиқий инқилоб ҳисобланади. Бундан ташқари, таълим олишда индивидуал ёндашув университет талабаларининг ўртача ақлий даражасини кескин ошишига олиб келиш эҳтимоли жуда каттадир. Сунъий интеллект нафақат сифатли таълим беришда, балки у олий таълим муассасаларида маъмурий вазифаларни бажаришда ҳам катта янгиликдир.

Сабаби, кенг автоматлаштирилган чатботлар ёрдамида талабалар билан мунтазам сўровларни ўтказиб бориш маъмурий самарадорлик ҳамда ўзаро таъсир тезкорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Сунъий интеллектга асосланган прогнозли таҳлиллар - Олий таълим билим юртига қабул жараёнида инсон омилсиз бошқаришни, талабаларни жалб этиш стратегияларини ишлаб чиқишни, ресурсларни тақсимлашни, университетларнинг маъмурий фаолиятини оптималлаштиришни сифатли таъминлаб беради. Бундан ташқари, сунъий интеллектга асосланган тадқиқот олиб бориш воситалари эса олимларга янада кенг имкониятлар яратади, илмий кашфиёт ва инновациялар суръатини жамиятда жадаллаштиради.

Сунъий интеллектга асосланган, дунёнинг барча тилларида ишлашга қодир замонавий алгоритмлар, катта ҳажмдаги матнли маълумотларни тезкор таҳлил қила оладилар, олимларга илмий маънбаларни, адабиётларни кўриб чиқишда ва олинган билимларни анализ ҳамда синтез қилишда ёрдам беради.

Шунингдек, мурааккаб алгоритмлар олинган маълумотлар асосида тегишли (тўғри) қарорларни қабул қилишни осонлаштиради ҳамда институционал фаолият ҳақида, талабалар фаолияти, уларни фаол иштироки ва мавжуд дастурларнинг самарадорлиги ҳақида маълумот беради.

Умуман олганда, таълим тизимини ривожлантириш борасида ташаббусларни шакллантиришда ҳам сунъий интеллектдан фойдаланиш университет учун, қолаверса талабалар учун кенг шароитларни яратиб беради ва ҳар томонлама фойда келтиради.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект ўқув материалларини ишлаб чиқишда, талабалар ишини объектив баҳолашда, талабалар натижаларини талабаларга шаффоф тарзда етказиш механизмида ва турли дастурлар бўйича талабаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлик кўрсаткичларини кузатишда фаол қўлланиб келинмоқда.

Давлат таълим жараёни тезкор трансформацияси - талабаларга ҳақиқий истеъмолчи сифатида таълим хизматларини танлаш имконини бермоқда, шу билан бирга ҳар бир таълим муассасаси ўз ривожланиш стратегиясини белгилаб олишлари каби имкониятни яратмоқда [5].

Дунё мутахассислари фикрига кўра, келажакда талабалар сунъий интеллектга асосланган ва автоматлаштирилган қўллаб-қувватлаш хизматларидан кенг фойдаланишлари мумкин. Бу нафақат одатий ҳолга айланади, балки янги замонавий таълим сервисига айланиши ҳам мумкин.

Шунинг билан, биз яшаб келаётган замонавий дунёда сунъий интеллектни олий таълим тизимига тезкор интеграция қилишда айрим тўсиқ ва қийинчилик ҳам йўқ эмас. Масалан, бир томондан айрим мутахассисликлар бўйича маълумотларни махфийлиги (ҳимояланганлиги) ёки алгоритмик манфаатдорликлар бўлса, иккинчи томондан анъанавий ўқитиш усуллариининг сиқиб чиқарилиши билан боғлиқ ахлоқий мулоҳазалар ушбу мавзунини эҳтиёткорлик билан кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Лекин шунини айтиш жоизки, давлат таълим тизимига сунъий интеллектни жорий этишнинг чуқурлашуви ўз навбатида илмий изланувчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида рақамли саводхонликни ошириш доирасида катта миқёсли тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Чунки таълим соҳасини ривожлантиришда айнан сунъий интеллект салоҳиятидан соҳа мутахассисларини самарали фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, шунини ишонч билан айтиш мумкин сунъий интеллект – бу таълимда юксак чўққиларни забт этишни таъминлаб берувчи кенг салоҳиятга эга келажак технологик воситаси ҳисобланади.

Шунини ҳам эътиборга олишимиз керак, бугун давлат таълим тизими олий билим юртлиги ўқув дастурларининг хилма-хиллиги, курсларнинг давомийлиги ва фанларнинг кўплиги туфайли ушбу соҳа энг мураккаб соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Сунъий интеллект эса айнан шу каби таълим муассасаларидаги мураккабликларни реал ечими ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда давлат университетлари сунъий интеллектни ва унинг имкониятларини ўзлаштиришга, таълим тизимига уни интеграциясини тўғри англашга, бир вақтнинг ўзида “сунъий интеллектга асосланган университетлар”ни барпо этишда асос бўла оладиган ақлли

синфларни яратиш борасида босқичма-босқич тадбирларни амалга ошириб боришлари бугунги кун зуруриятига айланмоқда.

Қолаверса, давлат университетларини сунъий интеллект салоҳиятидан нафақат таълим йўналишида, балки маъмурий, бошқарув, хўжалик ва молия фаолиятларида кенг фойдаланилишлари сабабли, сунъий интеллект технологияларини келажакда янада ривожланиши муқаррар бўлиб қолмоқда.

Бу эса ўз навбатида келажакда сунъий интеллект кенг сингдирилган муҳитда яшовчанлик иммунитетига эга таълим соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ҳамда захирасини яратиш вазифаларини келтириб чиқармоқда. [6,7].

Мавзу доирасида ўрганилган барча муаммо аспекти асосида биз бир нарсани теран англаб олишимиз керак, сунъий интеллект бу ҳаракатдаги жараёндин, у бир эришилган нуктада тўхтаб қолмайди, доимий прогрессив трансформацион жараёндин, шундан келиб чиқиб сунъий интеллектни таълим соҳасига интеграциясини ривожлантириб боришимиз тизимли ва босқичли фаолият ҳисобланади. Ўз навбатида давлатимиз таълим тизимини фан ва техника ютуқларига асосланиб ривожлантириб бориш каби фаолиятимиз ҳам албатта тўхтамайди доимий процессдин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>.
2. Амиров Р.А., Билалова У.М. Перспективы внедрения технологий искусственного интеллекта в сфере высшего образования // *Управленческое консультирование*. – 2020. - № 3 (135).
3. Пшихачева А.А. Возможности использования искусственного интеллекта в практике высшего образования // *Общество: социология, психология, педагогика*. – 2023. - № 4 (108).
4. Бекирова Э.Ш. Технологии искусственного интеллекта как фактор повышения качества высшего образования // *Проблемы современного педагогического образования*. – 2022. - № 77-1.
5. Харабаджах М.Н. Преимущества и риски использования искусственного интеллекта в высшем образовании // *Проблемы современного педагогического образования*. – 2022. - № 77-1.
6. Мухаммадиева К.Б. Анализ исследований по применению искусственного интеллекта в высшем образовании // *Образование и проблемы развития общества*. – 2020. - № 2 (11).

7. Закирьяева Л.А. Будущее искусственного интеллекта в высшем образовании: тенденции и трансформации. Международный научный журнал «Вестник науки» № 6 (75) Том 4. июнь 2024 г.